

**Б.А. Алиев, ф.ф.д., проф.,
А.Н. Мелиқулов, мустақил изланувчи, ТДИУ**

МИЛЛИЙ АРМИЯ - ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

В данной статье проанализировано основные принципы политики в области военной обороны республики и осуществление реформ, которые направлены на улучшения радикального изменения наших военных сил.

This paper analyzed the basic principles of policy in the field of military defense of the Republic and the implementation of reforms, which aimed at improving the radical change in our military forces.

Калитли сўзлар: *Миллий армия, ҳарбий ислоҳотлар, етук маънавиятли ҳарбий хизматчи шахси, қуроли кучлар, мудофаа соҳасидаги сиёсат, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, барқарорлик шартлари.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг марказида инсон ва унинг бахт – саодати, фаровонлиги, маънавий камолоти туради. Мустақкам иродали, ўз эътиқодига эга бўлган, Ватани, она тили, маънавияти, маданияти ва миллий қадриятлари билан фахрлана олган шахсгина мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшади. Келажаги буюк давлатни қураётган ҳар бир фуқаронинг билим ва тафаккури одоби, ахлоқи мардлиги ва шижоати жамиятда янги иқтисодий муносабатларни қарор топтириш, маънавий ва моддий неъматлар яратишга қаратилган, айти пайтда Ватани ва халқи учун ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим.

Президентимиз И.А. Каримов, - “Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида қуроли кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди”[1], деб таъкидладилар.

Ватанимизда барқарорлик, ижтимоий фаровонлик, аҳолининг тинч-осуда ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни таъминлаш ва шу аснода энг муҳими, суверенитетимиз, истиқлол туфайли эришган яхлит ҳудудимиз мустақкамлигини таъминлаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жамиятдаги глобаллашув жараёнининг фаоллашуви ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, унинг асосида аниқ бир сиёсатнинг ғоялари ифодаланганини англаш мумкин. Зеро, мустақил давлатлар эволюциясига эътибор берилса, барча замонларда ҳар хил кўриниш ва воситаларда жамиятнинг турли табақалари иштирокида ягона мақсадга йўналтирилган ғоялар илгари сурилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу ғоялар мажмуаси мафкура сифатида давлат ҳамда бундан кенгроқ миқёсда бир қатор вазифаларни амалга ошириб келган. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар, юртимизда барқарорликни янада чуқурроқ таъминлашга қаратилган. Бунда таълим-тарбиявий тадбирлар етук маънавиятли ҳарбий хизматчи шахсини шакллантиришга қаратилгандир. Бу борада, давлат барқарорлигига қарши

қаратилган тахдидларнинг мавжудлигини инобатга олсак, ҳарбий хизматчи уларнинг салбий моҳиятини тушуниб етадиган, турли фавқулодда вазиятларда тўғри йўл тута оладиган, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қоладиган, хизмат манфаатини шахсий манфаатдан доимо устун қўйиб, зиммасидаги вазифани бажарадиган намунали шахс бўлиши лозим. Ҳозирги кунда ҳарбий хизматчида бугунги замонавий тўқнашувларга дош бера оладиган, давлатимиз сиёсатини тўғри англаб етадиган жиҳатлар етакчи ўринни эгаллаши шарт. Ушбу йўналишда таъкидлаш лозимки, армия жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, уни давр талаби ҳамда жаҳон ва минтақадаги мавжуд ҳарбий-стратегик вазиятлар характеридан келиб чиққан ҳолда мамлакатда бўлаётган ўзгаришларга қатъий мувофиқлаштириш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг учун ҳарбий хизматчиларнинг ихтисосий тайёргарлиги энг юқори даражада бўлишини таъминлаш лозим. Ўз навбатида бу эса, файласуф, тарихчи, иқтисодчи, социолог, психолог, педагог олимларимиз олдида турган, ўз ечимини топиши лозим бўлган вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур масалани ҳал этишда албатта, касбий профессионализм асос қилиб олиниши лозим.

Замонавий қурол-аслаҳа билан таъминланган ва жиҳозланган Қуролли Кучларни ташкил этиш мамлакатимизда ўтказилаётган ҳарбий ислоҳотларнинг моҳиятини ташкил этади. Мустақиллик қўлга киритилган илк кунларданок, давлатимиз томонидан Ўзбекистон ён-атрофида бўлаётган сиёсий вазият жуда тўғри баҳоланди ҳамда республика мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз вақтида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Миллий ва жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимизда Мудофаа доктринасининг янги концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз сиёсати негизида Мудофаа вазирлиги қўшинлари, Чегара ва Ички қўшинларни босқичма-босқич, туб ислоҳ қилиш тўғрисида қарорлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ҳарбий куч-қудратимизни тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларнинг ҳаётга қай йўсинда татбиқ этилганлигини таҳлил қилган ҳолда, бу ишларни тезкорлик билан амалга оширишни талаб қилган жиҳатларни кўрсатиб ўтиш лозим топдик. Бунда ёш давлатимиз жаҳон ҳамжамятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз ўрнини эгаллай бошлаган пайтга назар ташлаш лозимдир. Бу борада давлатимиз раҳбари И.А. Каримовнинг олиб борган оқилона сиёсати туфайли ўз миллий армиямиз халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла риоя қилинган ҳолда ташкил этилди. 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бу жараённинг бошланишига асос бўлди. 1992 йил 1 июлда Туркистон ҳарбий округи тарқатилиб, унинг бошқарув фаолияти тугатилганидан сўнг Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Мудофаа ишлари вазирлигини Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисидаги Фармонни имзолади ва Республика Олий Совети томонидан Ҳарбий Қасамёд матни ҳамда уни қабул қилиш тартиби тасдиқланди. Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини яратувчи “Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ҳамда “Муқобил

хизмат тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий мавқеи мустақамланди. Унинг 125-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни таклиф этиш қонун билан белгиланади”, - деб ёзилган. Конституциянинг 126-моддасида аниқлик киритилиб: “Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга”[2], - деб кўрсатилган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари мобайнида ҳарбий-стратегик вазиятнинг ўзгарганлиги сабабли янги ўқув-жанговар вазифалар инобатга олиниб, ҳарбий қисмлар ҳамда ҳарбий ўқув муассасалари штат тузилишини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шахсий таркибни ўқитиш-тарбиялаш, миллий офицер кадрлар тайёрлаш тизими вужудга келтирилди. Ўзбекистон Республика ҳудудида фаолият юритаётган олий ҳарбий билим юрларида юқори малакали ёш офицер кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Республикамизнинг мудофаа соҳасидаги сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга биноан белгиланди:

- бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш;
- халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда жамоа хавфсизлик тизимларида иштирок этиш;
- ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;
- ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуролли можаролар хусусиятига монанд бўлишига эришиш;
- ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, тарқатиш ва жойлаштиришни рад этиш;
- Қуролли Кучларнинг иқтисодийёт, аҳоли, ҳудудга бўладиган ташқи тажовузни даф этишга доим шай туриши;
- мудофаанинг етарли даражада бўлиши;
- ҳарбий хизмат шарафли вазифа эканлигини таъминлаш.

Юқорида амалга оширилган ишлардан кўриниб турибдики бу тамойилларда “шахс-давлат-жамият” хавфсизлигини таъминлаш масаласи биринчи ўринга кўтарилаган. Булар билан бирга, “Мудофаа тўғрисида”ги қонун[3]нинг 5-моддасида мудофаани ташкил этиш вазифалари алоҳида кўрсатилган. Жумладан, мудофаанинг илмий, илмий-техник, маърифий, ҳарбий-саноат, иқтисодий, ахборот ва қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлиги алоҳида берилган. Ушбу соҳага доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини татбиқ этиш мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳа бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мақсад ва мазмуни қонунлар асосида ташкил этилаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги муассасалар, кўшинларга раҳбарлик қиладиган ҳамда маъмурий бошқарувни амалга оширадиган, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида давлат сиёсати олиб борилишини таъминлайдиган ижро ҳокимияти давлат органи ҳисобланади. Мудофаа Кўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва моддий-техник воситалар билан таъминлаш, халқаро ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш, чақирув, жумладан, Қуролли Кучлар учун захирага кадрлар тайёрлаш масалалари ҳам Мудофаа вазирлигига юклатилди. Пировардида ушбу соҳада қабул қилинган қарорлар ошкоралиги асосида Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар белгиланди. Айтилган даврда ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қуролли Кучлар ислохотининг галдаги босқичида ҳарбий хизматни ўташнинг янги тартиби жорий этилди, бу жамиятимизда бевосита ҳарбий хизмат нуфузининг, ҳарбий хизматчилар обрў - эътиборининг ошишига ижобий таъсир ўтказди, бу эса ўз навбатида, аҳолида мудофаа тафаккурининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Босқичма-босқич ўтказилган ислохотларда инсон манфаати, барқарорлик шартларини таъминлаш тамойилларига таянилди. Мамлакатимизда ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг навбатдаги вазифалари белгилаб олинди. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратилди:

- ҳарбий хизмат нуфузини, Ватан ҳимоячиси мавқеини юксалтириш;
- армияни илғор давлатлар тажрибаси бўйича контракт асосида тузиш;
- муддатли ҳарбий хизматни 18 ойдан 12 ойга қисқартириш;
- ҳарбий хизматни ўтаганлар резервини тайёрлаш;
- чақирувнинг ҳеч қандай қонунбузарликларга йўл қўйилмайдиган тизими

ва механизмини ташкил этиш.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида ҳарбий меҳнат билан шуғулланувчи ёшларимиз талайгина. Улар ўз хоҳиши асосида “Сержантлар тайёрлаш” мактабларига ўқиш истагини билдириб келмоқдаларки, бу олиб борилаётган ҳарбий ислохотнинг самарали кўрсаткичларидан биридир.

Ҳарбий соҳа ходимлари ва мутахассисларига ҳукуратимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг ҳарбий ва касбий тайёргарликларига илмий жиҳатдан ёндашилаётганлик натижасида уларнинг нуфузи ошиб борилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳарбийлар ҳукуратимиз, халқимиз томонидан уларга билдирилаётган ишончни ўз фаолиятлари самарадорлигини ошириш билан жавоб беришлари талаб этилади. Бу борада улар қуйидагиларга амал қилишлари талаб этилади:

- ўз касбий билимдонликларини доимий тарзда ошириб боришлари, яъни мустақил тарзда ҳарбий қурилиш, ҳарбий тактика ва стратегияга, ҳарбий бошқарув ва касб одобига оид илмий адабиёт ва оммавий нашрлардан фойдаланишлари лозим;

- хизмат муносабатларида хушмуомалаликка амал қилиб, Низом доирасида ҳарбий бурч ва мажбуриятларини бажаришлари даркор. Жамоат жойларида шахсий хулқ-атворни назорат қилиб, касбдошлардан ҳам буни талаб қила олиш зарур;

- «командир-бўйсунувчи» муносабатларида ҳар бир ҳарбий хизматчини шахс сифатида идрок этиб, уни ҳурмат қилиш керак. Бу нафақат командир (бошлик), балки етук инсон сифатида раҳбарнинг ижобий сифатларини намоён этади;

- республикамиз оммавий ахборот воситаларида шахсий тажрибалар билан ўртоқлашиш, тажриба алмашишни йўлга қўйиб, ёш ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш, ҳарбий жамоаларни бошқариш каби масалаларни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш керакки, ҳар қандай салбий ҳолат, у хоҳ оила доирасида, хоҳ бирон бир жамоада ифодаланмасин, Қуролли Кучларда ҳам ўз аксини топиши эҳтимоли бор. Бу борада, шахсий таркиб билан ишлайдиган командирлар институтининг илмий базасини кучайтириш талаб қилинади. Чунончи ҳарбий хизматчиларга миллий ғоя ва мафкура асосида таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш бевосита уларнинг зиммасидадир. Очиғини айтиш керакки, бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Соҳага дахлдор адабиётларнинг айнан ижтимоий-ҳарбий хусусиятларни инобатга олиб ёзиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада, тарихий тажрибалар ва шахсий фаолиятни танқидий-назарий ҳамда қиёсий таҳлил қилиш асносида зарурий адабиётлар нашр этиш керак. Таъкидлаш керакки, таълим-тарбия доимий тарзда мукамаллашиб борадиган, ўзгарадиган жараён бўлиб, собиқ Совет Армиясида бунга догматик, расмий асосда ёндашилди. Оқибатда ҳарбий хизматчилар шахсида турли психологик оғишлар ифодаланиб, хизмат вазифаларига совуққонлик, бепарволик билан муносабатда бўлиш, зўравонлик, ҳатто армиядан қочиш аломатлари кўзга ташланган эди.

“Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў – эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон - шараф ишига айланди”[1].

Мухтасар қилиб айтганда, миллий армиямизга мамлакатимизда барқарорликни таъминловчи асосий куч сифатида қаралмоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда намуна вазифасини ўтамоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишни таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. -Т.17. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
3. “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисидаги қонуни янги таҳрири”, “Халқ сўзи” газетасининг 2001 йил 11 май сони.